Жавоб: $I_2=3\text{ A}$, $I_3=2\text{ A}$, $R_1=113\text{ Ом}$, $P_2=180\text{ Вт}$, $P_3=2\text{ Вт}$



Жавоб: $I_2=8\text{ A}$, $I_3=21\text{ A}$, $I_4=13\text{ A}$, $I_5=16\text{ A}$, $I_6=8\text{ A}$

Масала 1-17. Электр иситгич $U=220\text{ B}$ кучланишга мўлжалланган бўлиб, $P=600\text{ Вт}$ электр ток қувватини сарфлайди. Агар шу электр иситгич $U=110\text{ B}$ кучланишга уланганда қанча қувват сарфлайди.

Жавоб: $P=150\text{ Вт}$

Масала 1-18. Электр ток қуввати $P=40\text{ Вт}$ бўлган 10 лампочка ҳар куни 6 соат ёнади. 30 кун давомида сарф бўладиган электр ток энергияси аниқланиб, 1 кВт/соат энергия, қанча сарф харажат бўлиши ҳисоблаб топилсин.

Жавоб: $W=72\text{ кВт/соат}$, сарф харажат пули: 2520 сўм .

1-4. Синов саволлари:

1. Электротехника фани нимани ўргатади?
2. Ўзбекистон энергетикасининг ривожланиши тарихида нималарни биласиз?
3. Электротехника фанининг ривожланишига хисса қўшган буюк олимларни биласизми?
4. Электр ток занжири қайси қисмлардан иборат?
5. Ўзгармас ток манбаларини биласизми?
6. Э.юк ва ток манбалари нима?
7. Электр занжири асосий элементлари ҳақида маълумот беринг.
8. Тармоқланган электр ток занжирларини чизиб; тармоқ тугун, контур нима эканлигини изохлаб беринг.
9. Электр майдон кучланганлиги нима?
10. Электр сиғимини изохлаб беринг ва ўлчов бирлиги нима?
11. Электр майдонининг куч чизиқлари эквипотенциал сиртларга нисбатан қандай йўналган?
12. Сиғими $C=0,1$ мкФ бўлган ҳаволи конденсатор қопламалари орасидаги масофа $0,5$ мм га тенг бўлса, қопламаларнинг юзаси S қанча бўлиши керак?
13. Кучланиш $U=1$ кВ, сиғими $C=0,1$ мкФ бўлган конденсаторда қанча миқдорда энергия тўпланади?
14. Нуқтавий зарядланган заррачаларнинг ўзаро таъсир кучи қайси қонунга асосан аниқланади?
15. Потенциаллар фарқи, кучланиш нима ва ўлчов бирлиги нима?
16. Занжирнинг бир қисми ва бутун занжир учун Ом қонунини ёзинг.
17. Электр занжирлари учун Кирхгоф қонунларини ифодалаб беринг.
18. Электр ток қуввати, (актив қувват) қандай ифодаланади ва нимада ўлчанади?
19. Электр ўлчов асбоблари: амперметр, вольтметр ва ваттметрлар электр схемасига қандай уланади?
20. Электр манбаи ташқи характеристикасини чизинг ва изоҳ беринг. Қисқа туташув ва салт ҳолат деганда нима тушунасиз?
21. Мураккаб занжирларни ҳисоблаш усулларига изоҳ беринг.
22. Потенциал диаграмма нима ва қандай қурилади?
23. Қувватлар баланси тенгламасини ёзинг.
24. Қайси ҳолатда эквивалент генератор усулидан фойдаланиш қулай ҳисобланади ва қандай амалга оширилади?
25. Актив ва пассив 2-кўтблик занжир нима?
26. Электр ва магнит майдон энергияси ифодасини ёзинг.
27. Э.Ю.К. манбадан эквивалент ток манбага ўзгартириш қоидаси қандай?
28. Иккита потенциалдан иборат бўлган схема учун тугунлараро усулига асосан тенглама тузинг.
29. Устма – устлик усулини изохлаб беринг.
30. Юлдузчадан учбурчакга ўтиш ва аксинча ҳолат алмаштириш формуласини ёзинг.

31. 2-кутбли линиядан истемолчига максимал қувват узатиш шартини тушунтиринг ва тенгламасини ёзинг.
32. Актив қаршилиқ ёки ўтказувчанлик қандай ифодаланади?
33. Манбанинг ички қаршилиги деганда нима тушунамиз.
34. Электр ток энергияси бажарган иш тенгламаси қандай ифодаланади?

2 – Боб.

Синусоидал ўзгарувчан ток занжирлари.

2-1. Асосий назарий тушунчалар.

Синусоидал даврий ўзгарувчан ток оний қиймати қуйидаги функция кўринишда ифодаланади.

$$i = I_m \sin(\omega t + \varphi_i); \quad (2 - 1)$$

i – синусоид ўзгарувчан токнинг оний қиймати

I_m – амплитуда ёки максимал қиймат

φ_i – бошлангич фаза – (град)

ω – бурчак частота – (рад/сек)

f – частота – (Гц)

T – давр – (сек)

Синусоидал ўзгарувчан токнинг эффектив ёки таъсир этувчи қиймати:

$$I = \sqrt{\frac{1}{T} \int_0^T i^2 dt} = \frac{I_m}{\sqrt{2}} \quad (2 - 2)$$

Синусоидал ўзгарувчан токнинг ярим даврдаги ўртача қиймати:

$$I_{yp} = \frac{2}{T} \int_0^{\frac{T}{2}} i dt = \frac{2}{\pi} I_m \quad (2 - 3)$$

Синусоидал ўзгарувчан токнинг форма ва амплитуда коэффициентлари:

$$K_\Phi = \frac{I}{I_{cp}}; \quad K_a = \frac{I_m}{I}; \quad (2 - 4)$$

Синусоидал ўзгарувчан ток занжири учун Ом қонуни:

$$I = \frac{U}{Z} = Uy(A); \quad (2 - 5)$$

ёки: бурчак коэффициентлари:

$$\begin{aligned} \cos \varphi &= \frac{R}{Z} = \frac{g}{y}; & \sin \varphi &= \frac{x}{y} = \frac{b}{y}; \\ \operatorname{tg} \varphi &= \frac{x}{R} = \frac{b}{g}; & \varphi &= \operatorname{arctg} \frac{x}{R} = \frac{b}{g}; \end{aligned} \quad (2 - 6)$$

Тўла қаршилик:

$$Z = \sqrt{R^2 + x^2} \text{ (Ом)}; \quad (2 - 7)$$

Кетма – кет уланган R – актив; L – индуктив; C – сиғим қаршиликлар бўлганда, реактив қаршилик:

$$\underline{X} = \underline{X_L} - \underline{X_C} \quad (2 - 8)$$

Электр занжири индуктив характерга эга бўлганда: $\omega L > \frac{1}{\omega c}$; $X_L > 0$; $\varphi > 0$

Сигим характерга эга бўлса: $\omega L < \frac{1}{\omega c}$; $\varphi < 0$; $x_c < 0$.

Тўла ўтказувчанлик: $y = \sqrt{g^2 + b^2} \left(\frac{1}{O_M} = \text{сименс} \right)$; (2 - 9)

Эквивалент параметрлар ўхшашлик тенгламалари:

$$g = \frac{R}{z^2}; \quad b = \frac{X}{z^2}; \quad y = \frac{1}{z}; \quad (2 - 10)$$

$$R = \frac{g}{y^2}; \quad X = \frac{b}{y^2}; \quad z = \frac{1}{y}; \quad (2 - 11)$$

Истемолчилари кетма – кет уланган ток занжирларида эквивалент қаршилиқ:

$$R_{\Sigma} = \sum_{k=1}^n R_n; \quad X_{\Sigma} = \sum_{k=1}^n X_n \quad (2 - 12)$$

Параллел уланган холда:

$$g_{\Sigma} = \sum_{k=1}^n g_n; \quad b_{\Sigma} = \sum_{k=1}^n b_n \quad (2 - 13)$$

Ток ва кучланишларнинг актив ва реактив ташкил этувчилари:

$$\begin{aligned} U_a &= IR = U \cos \varphi; & I_a &= Ug = U \cos \varphi; \\ U_p &= IX = U \sin \varphi; & I_p &= Ub = U \sin \varphi; \\ U &= \sqrt{U_a^2 + U_p^2}; & I &= \sqrt{I_a^2 + I_p^2}; \end{aligned} \quad (2 - 14)$$

1. Синусоидал ўзгарувчан токнинг қувват ифодалари:

Синусоидал ўзгарувчан токнинг оний қиймати $\varphi = 0$ бўлганда:

$$P = ui [\cos \varphi - \cos(2\omega t - \varphi)] \quad (2 - 15)$$

Актив қувват:

$$P = UI \cos \varphi = I^2 R = U^2 g = U I_a = U_a I [Bm, \kappa Bm] \quad (2 - 16)$$


Реактив қувват:

$$Q = UI \sin \varphi = I^2 x = U^2 b = U I_p = U_p I [Var, \kappa Var] \quad (2 - 17)$$

Тўла қувват:

$$S = \sqrt{P^2 + Q^2} = UI = I^2 z = U^2 y [Ba, \kappa Ba] \quad (2 - 18)$$

2. Синусоидал ўзгарувчан ток, кучланиш ва э.ю.к. график ифодаси:



Аналитик ифодаси:

$$e = E_m \sin(\omega t + \varphi_e); u = U_m \sin(\omega t + \varphi_u); i = I_m \sin(\omega t + \varphi_i) \quad (2-19)$$

Фаза фарқи:

$$\varphi = \varphi_u - \varphi_i \quad (2-20)$$

3. Синусоидал ўзгарувчан токнинг вектор ифодаси ёки вектор диаграммасини тузишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

- Актив – қаршилиқда ток ва кучланиш векторлари устма – уст тушади ($\varphi = 0$).
- Индуктивликда кучланиш вектори U , ток вектори I га нисбатан 90° фарқ қилиб, олдинга кетади ($\varphi > 0$).
- Сифим қаршилиқда кучланиш U , I токга нисбатан 90° орқада қолади ($\varphi < 0$).
- ЭлектрОмагнит индукция (ўз индукция, ўзароиндукция) қонунига асосан индуктивликда, ўзгарувчан ток ҳосил қилувчи электр юритувчи куч вектори E , магнит оқим вектори Φ ёки Ψ нисбатан 90° фарқ қилиб, орқада қолади ($\varphi_c = -90^\circ$).
- Индуктивлик кучланиш U_L векторига нисбатан э.ю.к. вектори E , -180° фарқ қилиб, тенг ва қарама - қарши йўналишда ифодаланади.
- Қаршилиқлар учбурчак вектор ифодасидан R ва Z ҳамда g ва y орасидаги бурчак φ -га тенг.

2-2. Масала ечиш.

Масала 2 – 1. Ўзгарувчан магнит оқими $\Phi = 0,01 \sin 314t$ (вб) бўлиб, чўлғамлар сони $W = 50$ бўлганда ғалтак айланма ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўладиган э.ю.к.ни аниқланг.

Ечиш:


Ғалтакнинг илашган магнит оқими: $\psi = w\phi = 0,5 \sin 314t = \psi_m \sin t$

Ўзиндукция қонунига асосан:
$$e = -\frac{d\psi}{dt} = \omega\psi_m \cos \omega t = E_m \sin(\omega t - 90^\circ)$$

ёки:
$$E_m = \omega\psi_m = 157(B)$$

э.ю.к. эффектив қиймати:
$$E = \frac{E_m}{\sqrt{2}} = 90(B)$$

Вектор ифодаси ва графигини чизамиз.



Масала 2 – 2. Ўрамлар сони $W=20$, юзаси $S = 100 \text{ (см}^2\text{)}$ бўлган халқа, магнит индукцияси $B=2 \text{ (вб/м)}$ тенг бўлган магнит майдон ичида $n=6000 \text{ (айл/мин)}$ тезлик билан айланганда, халқада ҳосил бўладиган магнит оқими, оний қиймати, э.ю.к. амплитудаси, даври ва частотаси аниқланиб вектор ифодаси ва вақтга нисбатан ўзгарувчан диаграммаси тузилсин.

Ечиш:

Халқанинг бошлангич ҳолатини $\alpha = 0$ олсак, $\alpha = \omega t$ бўлиб халқа айланиши натижасида кесиб ўтувчи магнит оқимнинг оний қиймати:

$$\Phi = BS \cos \alpha = \Phi_m \cos \omega t$$

Халқада ҳосил бўладиган илашган магнит оқим оний қиймати:

$$\psi = \Phi W = W\Phi_m \cos \omega t = \psi_m \cos \omega t = 20 \cdot 2 \cdot 100 \cdot 10^{-4} \cos 628t = 0,4 \sin(628t + 90^\circ)$$

Бунда:

$$\omega = \frac{2\pi n}{60} = \frac{2 \cdot 3,146000}{60} = 628 \left(\frac{1}{\text{сек}} \right) - \text{бурчак частота}$$

Халқада ҳосил бўладиган э.ю.к. оний қиймати:


$$e = -\frac{d\psi_m}{dt} = -\frac{d}{dt}(\psi_m \cos \omega t) = \omega\psi_m \sin \omega t = E_m \sin \omega t = 251,2 \sin 628t$$

Халқа T даврда бир маротаба айланади: $\omega T = 2\pi$


Бундан:
$$T = \frac{2\pi}{\omega} = 0,01(\text{сек})$$

Ўзгарувчан ток частотаси:
$$f = \frac{1}{T} = \frac{1}{0,01} = 100(\text{Гц})$$

Вектор ифодаси чизамиз;



Масала 2 - 3. Ўрамлар сони ψ бўлган айланма ҳаракатланувчи ғалтакда индукцияланган э.ю.к. тўғри бурчакли импульсли формага эга бўлиб, э.ю.к. амплитудаси: $E_m = 10$ (В) ва $f = 50$ (Гц) тенг. Э. ю. к. E ўртача ва эффектив қийматлари, амплитуда ва форма коэффициенти ҳамда магнит оқими қийматлари аниқлансин.



Ечиш:

Э.ю.к. ўртача қиймати:
$$E_y = \frac{2}{T} \int_0^{\frac{T}{2}} e dt = \frac{2}{T} E_m \frac{T}{2} = E_m = 10(\text{В})$$

Эффектив қиймат,
$$E = \sqrt{\frac{1}{T} \int_0^T e^2 dt} = \sqrt{\frac{1}{T} E_m^2 T} = E_m = 10(\text{В})$$

Амплитуда ва форма коэффициенти:
$$K_a = \frac{E_m}{E} = 1, K_\phi = \frac{E}{E_{yp}} = 1$$

Ўз индукция қонунига асосан:
$$\psi = - \int e dt$$

Келтирилган функцияда ψ тўғри бурчакли учбурчак шаклида ўзгарувчан бўлиб, $T = 0,02$ сек = 20 м сек тенг, ёки:

$$E_{yp} = \frac{\Delta\psi}{\Delta t}$$

Бундан $\Delta\psi = E_{yp}\Delta t$ ҳамда $\Delta\psi = 2\psi_m, \Delta t = \frac{T}{2}$ бўлганлиги учун ғалтакдаги магнит оқим ψ қиймати: $\psi_m = \frac{1}{2}\Delta\psi = \frac{1}{2}E_{cp}\frac{T}{2} = \frac{1}{2} \cdot 10 \cdot \frac{0,02}{2} = 0,05 \text{ вб} = 50 \text{ (мВб)}$

Масала 2–4. Синусоидал ўзгарувчан ток кучланиши $U=120\sin 1000t$ бўлган генераторга индуктив қаршилик уланган бўлиб, синусоидал ток оқиб ўтади:

$$i = 8\sin(1000t - 53^\circ).$$

Ўзгарувчан кучланиш частотаси 2 мартага камайганда: индуктив ғалтакнинг актив қаршилиги, индуктивлиги, ток қиймати ва фаза бурчаги аниқлансин.

Ечиш:

Масаланинг шarti бўйича умумий қаршилик:

$$Z = \frac{U_m}{I_m} = 15(\text{Ом}) \text{ бўлиб, фаза бурчаги } \varphi = \varphi_u - \varphi_i = 53^\circ$$

Қаршиликлар учбурчак ифодасига асосан:

$$R = Z \cos \varphi = 15 \cos 53^\circ = 9(\text{Ом})$$

$$X = Z \sin \varphi = 15 \sin 53^\circ = 12(\text{Ом})$$

Индуктивлик: $L = \frac{x_L}{\omega} = \frac{12}{1000} = 0,012 \text{ Гн} = 12(\text{мГн})$

Кучланиш частотаси икки мартага камайтирилган ҳолда, индуктив қаршилик ҳам икки мартага камаяди: $x'_L = 6 \text{ Ом}$


Фаза фарқи эса: $\varphi' = \arctg \frac{x'_L}{R} = \frac{6}{9} = 33^\circ 40'$

Тўла қаршилик: $Z' = \frac{x'_L}{\sin \varphi'} = 10,8(\text{Ом})$

Ток амплитудаси: $I'_m = \frac{U_m}{z'} = \frac{120}{10,8} = 11,09(\text{А})$

Токнинг оний қиймати: $i = 11,09 \sin(500t - 33^\circ 40')$

Масала 2-5. Ўзгарувчан ток кучланиши $U = 283 \sin t$ бўлган генераторга, актив қаршилиги $R = 10(\text{Ом})$ реостат уланган, Реостатдан оқиб ўтувчи токнинг эффе́ктив, оний қиймати ва ўртача қувват қиймати аниқланиб, вақт бўйича ўзгарувчан диаграммаси чизилсин.



Ечиш:

Токнинг амплитуда қиймати $I_m = \frac{U_m}{R} = \frac{283}{10} = 28,3(A)$;

Эффектив қиймати: $I = \frac{I_m}{\sqrt{2}} = 20(A)$

Оний қиймати эса: $i = I_m \sin \omega t = 28,3 \sin 314t$

Актив қувватнинг ўртача қиймати: $P_{yp} = \frac{1}{T} \int_0^T P dt = UI = I^2 R = 4000 BT = 4(кВт)$

Қувватнинг оний қиймати: $P = ui = UI + UI \sin(2\omega t - 90) = [4 + 4 \sin(2\omega t - 90)] кВт$


Электр энергиясининг оний қиймати:

$$W = \int P dt = UI t - \frac{UI}{2\omega} \sin 2\omega t = 4000t - \frac{4000}{2 \cdot 314} \sin 2\omega t = (4000 - 6,37 \sin 2\omega t) (Дж)$$

Джоул-Ленц қонунига асосан актив қаршиликда (реостатда) ўзгарувчан электр ток энергияси иссиқлик энергияси ажиралиб сарф бўлади.

Актив қувват вақт бўйича ўзгарувчан диаграммаси чизмада келтирилган.

Бунда ток ва кучланиш орасидаги бурчак $\varphi = 0$ бўлиб, I_m ва U_m вектор ифодалари устма - уст тушади.



Масала 2-6. Индуктивлиги $L = 0,27 (Гн)$, актив қаршилиги $R = 49 (Ом)$ бўлган реактив ғалтак, синусоидал ўзгарувчан ток частотаси $f = 50 (Гц)$, $U = 220(V)$ кучланишга уланган.

Токнинг эффектив қиймати I , ток ва кучланиш орасидаги бурчак φ аниқланиб вектор ифодаси тузилсин.

Ечиш:

Ом қонунига асосан: $I = \frac{U}{z} = \frac{220}{\sqrt{R^2 + (\omega L)^2}} = \frac{220}{\sqrt{49^2 + (314 \cdot 0,27)^2}} = 2,24(A)$

Бунда:

$$\omega = 2\pi f = 314 \cdot 2 \cdot 50 = 314 (\text{рад} / \text{сек})$$

Бурчак фазаси:

$$\varphi = \arctg \frac{x}{R} = \frac{100}{49} = 2 = 60^\circ$$

ёки фаза фарқи

$$\varphi = \varphi_u - \varphi_i = 0 - 60^\circ = -60^\circ$$

Токнинг оний қиймати:

$$i = \sqrt{2}I = 3,16 \sin(\omega t - 60^\circ) (A)$$

Кучланиш оний қиймати:

$$u = 220 \sin \omega t (B)$$


Бундан:

$$U_m = \sqrt{2}U = 1,41 \cdot 220 = 310 (B)$$


Масштаб танлаб, ток ва кучланишлар вектор ифодасини ва вақт бўйича ўзгарувчан диаграммасини тузамиз.

Бунда R ва x_L қаршиликлардаги кучланиш: $U_R = IR = 2,24 \cdot 49 = 115 (B)$;

$$U_L = I_L X_L = 2,24 \cdot 100 = 224 (B);$$



Масала 2–7. Сиғими $C=41,6(\text{мкф})$ бўлган конденсатор $u = 120 \sin(314t + \frac{\pi}{4})$



кучланишга уланган. Сиғим, токи i , заряди Q , қуввати P_c ва электр майдон энергияси $W_{\text{э}}$ аниқлансин.

Ечиш:

Сиғим қаршилигини аниқлаймиз:

$$X_c = \frac{1}{\omega C} = 76,6 (\Omega)$$

Токнинг амплитуда қиймати:

$$I_m = \frac{U_m}{x_c} = 1,57 (A)$$

Ток ва кучланиш орасидаги фаза фарқи:

$$\varphi = \varphi_U - \varphi_i = \frac{\pi}{4} + \frac{\pi}{2} = \frac{3}{4}\pi$$

Токнинг оний қиймати:

$$i = 1,57 \sin(314t + \frac{3}{4}\pi) (A)$$

Сиғимдаги заряднинг оний қиймати:

$$Q = CU = 416 \cdot 10^{-6} \cdot 120 \sin(314t + \frac{\pi}{4}) = 5 \sin(314t + \frac{\pi}{4}) (\text{мкф})$$

Қувватнинг оний қиймати:

$$P = U_m I_m [\cos \varphi - \cos(2\omega t + 2\varphi_U - \varphi)] = -UI \cos 2\omega t$$


Бунда $\varphi = -\frac{\pi}{2}$ ва $\varphi_U = \frac{\pi}{4}$ бўлганлиги учун:

$$P = \frac{120 \cdot 1,57}{2} \cos 2\omega t = 93,2 \cos 2\omega t (\text{Вт})$$

Сигимда ҳосил бўладиган электр майдон энергияси:

$$W_s = \frac{CU^2}{2} = \frac{1}{2} \cdot 41,6 \cdot 10^{-6} \cdot 120^2 \sin^2(314t + \frac{\pi}{4}) = 0,15(1 + \sin 628t) (\text{Дж})$$

Масала 2-8. Параллел схемада уланган ток занжирининг кучланиши $U=150(\text{В})$, $I=5(\text{А})$, $I_R=3(\text{А})$ ва частотаси $f=50(\text{Гц})$ тенг. Сигим параметри C , ҳамда занжирда сарф бўладиган тўла қувват аниқлансин.



Ечиш:

Пифагор теоремасига асосан тоқлар учбурчак вектор ифодасидан:

$$I_C^2 = I^2 - I_R^2 = \sqrt{25 - 9} = 4(\text{А})$$

Сигимдаги кучланиш: $U_C = \frac{I_C}{x_C} = \frac{I_C}{\omega C} (\text{В})$

Бундан сигим параметри: $C = \frac{I_C}{U_C \omega} = \frac{4}{150 \cdot 314} = 85(\text{мкф})$

Электр занжирнинг тўла қуввати: $S = UI = 150 \cdot 5 = 750 (\text{ВА})$

Актив қаршилик қуввати: $P = UI_R = 150 \cdot 3 = 450 (\text{Вт})$

Сигим қаршилик реактив қуввати: $Q_C = \sqrt{S^2 - P^2} = \sqrt{750^2 - 450^2} = 600 (\text{Вар})$

Масала 2-9. Ўзгарувчан ток частотаси $f = 500 (\text{Гц})$ бўлган ток занжирида индуктивлиги $L=5(\text{мГн})$, токи $I = 10(\text{А})$ бўлиб, $P = 1(\text{кВт})$ қувват сарфланади.

Умумий кучланиш U ва қувват коэффиценти $\cos \varphi$ аниқлансин.

Ечиш:

Актив қувват тенгламасидан: $P = I^2 R$; $R = \frac{P}{I^2} = \frac{1000}{10^2} = 10(\text{Ом})$

Ғалтак тўла қаршилиги: $Z_k = \sqrt{R^2 + (\omega L)^2} = \sqrt{10^2 + (6,28 \cdot 500 \cdot 5 \cdot 10^{-3})^2} = 18,6(\text{Ом})$

Кучланиш: $U = IZ_k = 10 \cdot 18,6 = 186 (\text{В})$

Қувват коэффициенти: $\cos \varphi = \frac{P}{S} = \frac{1000}{IU} = \frac{1000}{186 \cdot 10} = 0,54$

Масала 2–10. Кучланиш $U = 283 \sin 500t$ бўлган генераторга, параметрлари $L = 0,016 \text{ Гн}$, $R = 6 \text{ Ом}$ бўлган индуктив ғалтак уланган бўлиб, шу ғалтакдан оқиб ўтувчи токнинг оний қиймати (i_i) актив, реактив кучланишлари (U_a, U_p), тўла қувват (S) аниқланиб, кучланишлар учбурчак вектор ифодаси чизилсин.

Ечиш:

Индуктив қаршилик: $X_i = \omega L = 500 \cdot 0,016 = 8(\text{Ом})$

Фаза фарқи: $\varphi = \arctg \frac{x}{R} = \arctg \frac{8}{6} = 53^\circ$

$\varphi_i = \varphi_U - \varphi = -53^\circ$

Тўла қаршилик: $Z = \sqrt{R^2 + x^2} = \sqrt{6^2 + 8^2} = 10(\text{Ом})$

Ток амплитудаси: $I_m = \frac{U_m}{z} = \frac{283}{10} = 28,3(\text{А})$

Оний қиймати: $i_m = 28,3 \sin(500t - 53^\circ)(\text{А})$


Актив ва реактив кучланишлар: $U_{ma} = U_m \cos \varphi = 170(\text{В})$, $U_{mp} = U_m \sin \varphi = 226(\text{В})$

Тўла қувват: $S = UI = \frac{U_m}{\sqrt{2}} \cdot \frac{I_m}{\sqrt{2}} = 400 \text{ в} \cdot \text{а} = 4(\text{кВм})$

Актив қувват: $P = S \cos \varphi = 4 \cdot 0,6 = 2,4(\text{кВм})$

Реактив қувват: $Q = S \sin \varphi = 4 \cdot 0,8 = 3,2(\text{кВар})$

Вектор ифодасини тузамиз.




Актив қаршиликдаги кучланиш вектори (U_a), ток вектори билан устма- уст тушади шу сабабли $\varphi_{ia} = -53^\circ$.

U_p - кучланиш эса ток векторига нисбатан 90° фарк қилиб $\varphi_{Up} = 37^\circ$ тенг.

Яни: $U_a = 170 \sin(500t - 53^\circ) \text{ в}$, $U_p = 226 \sin(500t + 37^\circ) \text{ в}$

Масала 2-11. Берилган электр ток занжирига уланган электр асбоблари: амперметр токи $I=20 \text{ А}$, вольтметрдаги кучланиш $U=100 \text{ В}$ ва ваттметр қуввати $P=1200 \text{ Вт}$ тенг. Электр занжир индуктив ($\varphi > 0$) ҳарактерга эга бўлган ҳолат учун ўхшашлик эквивалент схемаси тузилиб, қаршиликлари параметрлари аниқлансин ҳамда учбурчак вектор ифодалари тузилсин.



Ечиш:

Тўла қаршилик:

$$Z = \frac{U}{I} = 5(\text{Ом})$$

Актив қаршилик:

$$R = \frac{P}{I^2} = \frac{1200}{20^2} = 3(\text{Ом})$$

Индуктив қаршилик:

$$x_L = \sqrt{z^2 - R^2} = 4(\text{Ом})$$

Актив қаршилик кучланиш:

$$U_R = U_a = IR = 60(\text{В})$$

Индуктивлик реактив кучланиши:

$$U_L = U_p = Ix_L = 80(\text{В})$$

Актив ўтказувчанлик:

$$g = \frac{R}{z^2} = 0,12\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right)$$

Индуктив ўтказувчанлик:

$$b_L = \frac{x_L^2}{z} = 0,16\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right)$$



Тўла ўтказувчанлик:

$$y = \frac{1}{z} = \sqrt{g^2 + b_L^2} = 0,2\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right)$$

Электр ўлчов асбоблари курсатган қийматлари бўйича:

$$g = \frac{P}{U^2} = 0,12\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right); \quad y = \frac{I}{U} = 0,2\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right); \quad b_L = \sqrt{y^2 - g^2} = 0,16\left(\frac{1}{\text{Ом}}\right)$$

Аниқланган қийматлар асосида эквивалент ўхшашлик схемасини тузамиз.




Бундан актив қаршиликдаги ток:

$$I_R = I_a = Ug = 12(\text{А})$$

Индуктивликда реактив ток:

$$I_L = I_p = Ub_L = 16(\text{А})$$

Қаршиликлар ўтказувчанликлар, ток ва кучланишлар эквивалент (ўхшашлик) вектор ифодаси куйидаги кўринишда бўлади.



Масала 2 - 12. Индуктивлиги $L = 0,18(\Gamma\text{H})$ актив қаршилиги $R = 30(\text{Ом})$ тенг бўлган индуктив ғалтак, сиғими $C = 40(\text{мкф})$ бўлган конденсатор билан кетма-кет схемада бириктирилиб, $U = 250 \sin 500t(\text{В})$ манба кучланишига уланган. Ток (I_m), фаза бурчаги (φ), индуктивлик ва сиғим кучланишлари аниқланиб вектор ифодаси тузилсин.

Ечиш:

Реактив қаршиликлар ифодасига асосан:

$$x_L = \omega L = 500 \cdot 0,18 = 90(\text{Ом})$$

$$x_c = \frac{1}{\omega C} = \frac{10^3}{500 \cdot 40} = 50(\text{Ом})$$

$$x = x_L - x_c = 40(\text{Ом})$$

Тўла қаршилик

$$z = \sqrt{R^2 + x^2} = 50(\text{Ом})$$

Ток амплитудаси :

$$I_m = \frac{U_m}{z} = \frac{250}{50} = 5(\text{А})$$

Ток ва кучланиш орасидаги фаза фарқи:

$$\varphi = \arctg \frac{x}{R} = \arctg 1,33 = 53^\circ 8'$$

Сиғимдаги кучланиш:

$$U_{cm} = x_c I_m = 5 \cdot 50 = 250 \text{ В}$$

Индуктивликдаги кучланиш:

$$U_{Lm} = x_L I_m = 90 \cdot 5 = 450 \text{ В}$$


Актив қаршилик кучланиш:

$$U_{Rm} = R I_m = 30 \cdot 5 = 150 \text{ В}$$


Ғалтак умумий кучланиш эса:

$$U_{km} = \sqrt{U_{am}^2 + U_{Lm}^2} = 470 \text{ В}$$

Хисоблаб топилган қийматлар буйича масштаб $[m_i m_u]$ танланиб вектор диаграммасини тузамиз.



Масала 2–13. Чизмада келтирилган схемага уланган электродинамик асбобларнинг кўрсатиши: $U = 120\text{В}, I = 10\text{А}, I_2 = 6\text{А}$ бўлиб, частотаси $f = 1\text{кГц}$ бўлганда; ток I , актив қаршилик R , ва индуктивлик L аниқлансин.



Ечиш:

Ўзгарувчан ток бурчак частотаси: $\omega = 2\pi f = 628 \left(\frac{1}{сек} \right)$


Индуктив қаршилик: $x_L = \frac{U}{I_2} = \frac{120}{6} = 20(Ом)$

Индуктивлик: $L = \frac{x_L}{\omega} = 3,18(мГн)$

Актив қаршиликдан оқиб ўтувчи ток: $I_1 = \sqrt{I^2 - I_2^2} = 8(A)$

Қаршилиги эса: $R = \frac{U}{I_1} = 15(Ом)$

Масала 2-14. Схемага уланган амперметрларнинг кўрсатиш: $I = 25A$, $I_1 = 13,5A$, $I_2 = 15(A)$ ва $R_2 = 20 Ом$, $f = 50 (Гц)$ тенг бўлган ҳолат учун занжир параметрлари ва сарф бўладиган актив қувват (P) ҳамда қувват коэффиценти ($\cos \varphi$) ҳисоблаб топилсин.

**Ечиш:**

Параллел уланган ҳолатда умумий кучланиш: $U = I_2 R_2 = 20 \cdot 15 = 300(B)$

Умумий ток эса: $I = \sqrt{I_a^2 + I_p^2}$

Бундан: $I_a = I_2 + I_1 \cos \varphi_1$, $I_p = I_1 \sin \varphi$

Ёки: $I^2 = (I_1^2 + I_1 \cos \varphi_1)^2 = I_1^2 \sin^2 \varphi_1 = I_1^2 + I_2^2 + 2I_1 I_2 \cos \varphi_1$

Биринчи тармоқ бурчаги: $\cos \varphi_1 = \frac{I^2 - I_1^2 - I_2^2}{2I_1 I_2} = 0,538$

Тўла қаршилик: $z_1 = \frac{U}{I_1} = \frac{300}{13,5} = 22,2(Ом)$

Актив қаршилик: $R_1 = z_1 \cos \varphi_1 = 11,9(Ом)$

Сиғим қаршилиги: $x_1 = \sqrt{z_1^2 - R_1^2} = 18,8(Ом)$


Сиғим параметри: $C_1 = \frac{1}{x_1 \omega} = 169 \cdot 10^{-6} \Phi = 169(мкФ)$

Электр занжирнинг қувват коэффиценти: $\cos \varphi = \frac{I_a}{I} = \frac{I_2 + I_1 \cos \varphi_1}{I} = 0,89$

Занжирда сарф бўладиган актив қувват:

$$P = UI \cos \varphi = 300 \cdot 25 \cdot 0,89 = 6680 BT = 6,68(кВт)$$

Масала 2 – 15. Кучланиш $U = 120 \text{ В}$ частотаси $f = 50 \text{ Гц}$ бўлган ток занжирига параметрлари: $R_1 = 4 \text{ Ом}$, $L_1 = 0,6 \text{ МГн}$, $R_2 = 6 \text{ Ом}$, $L_2 = 25,5 \text{ МГн}$, бўлган иккита индуктив ғалтак истемолчилар параллел уланган. Тармақ токлари, занжирнинг қувват коэффициентини ва истемолчиларда сарф бўладиган актив қувват аниқлансин.



Ечиш:

Биринчи ғалтак индуктивлигини аниқлаймиз:

$$x_{L_1} = 2\pi fL_1 = 2 \cdot 3,14 \cdot 50 \cdot 0,6 \cdot 10^{-3} = 3 \text{ Ом}$$

Биринчи ғалтак тўла қаршилигини аниқлаймиз:

$$Z_1 = \sqrt{R_1^2 + x_{L_1}^2} = \sqrt{4^2 + 3^2} = 5 \text{ Ом}$$

Биринчи тармоқ токи:

$$I_1 = \frac{U}{Z_1} = \frac{120}{5} = 24 \text{ А}$$

Биринчи ғалтак қувват коэффициенти:

$$\cos \varphi_1 = \frac{R_1}{Z_1} = \frac{4}{5} = 0,8$$

(бурчак $\varphi_1 = 36^\circ 50'$ бўлганда $\sin \varphi_1 = 0,6$)

Бунда биринчи тармоқ токи актив ташкил этувчиси:

$$I_{a_1} = I_1 \cos \varphi_1 = 24 \cdot 0,8 = 19,2 \text{ А}$$

Реактив ташкил этувчиси:

$$I_{P_1} = I_1 \sin \varphi_1 = 24 \cdot 0,6 = 14,4 \text{ А}$$

Иккинчи ғалтак индуктив қаршилиги:

$$x_{L_2} = 2\pi fL_2 = 6,28 \cdot 50 \cdot 2,5 \cdot 10^{-3} = 10 \text{ Ом}$$

Иккинчи тармоқ токи:

$$I_2 = \frac{U}{Z_2} = \frac{120}{10} = 12 \text{ А}$$

Иккинчи ғалтак қувват коэффициенти:

$$\cos \varphi_2 = \frac{R_2}{Z_2} = \frac{6}{10} = 0,6$$

(бурчак $\varphi_2 = 52^\circ 10'$ бўлганда $\sin \varphi_2 = 0,8$)

Иккинчи тармоқ токи актив ташкил этувчиси:

$$I_{a_2} = I_2 \cos \varphi_2 = 12 \cdot 0,6 = 7,2 \text{ А}$$

Реактив ташкил этувчиси:

$$I_{P_2} = I_2 \sin \varphi_2 = 12 \cdot 0,8 = 9,6 \text{ А}$$

Умумий токнинг актив ташкил этувчиси қисми:

$$I_a = I_{a_1} + I_{a_2} = 19,2 + 7,2 = 26,4 \text{ А}$$

Реактив ташкил этувчиси:

$$I_P = I_{P_1} + I_{P_2} = 14,4 + 9,6 = 24 \text{ A}$$

Умумий ток қиймати:

$$I = \sqrt{I_a^2 + I_P^2} = 36 \text{ A}$$

Занжир қувват коэффиценти:

$$\cos \varphi = \frac{I_a}{I} = \frac{26,4}{36} = 0,733$$

Биринчи ғалтакда сарф бўладиган актив қуввати:

$$P_1 = UI_1 \cos \varphi_1 = 120 \cdot 24 \cdot 0,8 = 2304 \text{ Bm}$$


Иккинчи ғалтакда сарф бўладиган актив қуввати:

$$P_2 = UI_2 \cos \varphi_2 = 120 \cdot 12 \cdot 0,6 = 864 \text{ Bm}$$

Истемолчиларда сарф бўладиган актив қувват:

$$P = P_1 + P_2 = 2304 + 864 = 3168 \text{ Bm}$$

Масала 2–16. Чизмада келтирилган схемада ўзгарувчан кучланиш частотаси $f=50\text{Гц}$ бўлган генераторнинг актив қуввати $P=31,25 \text{ (кВт)}$ занжир қаршиликлари $R_1=2 \text{ Ом}$, $x_1 = 36 \text{ (Ом)}$, $R_2 = 75 \text{ Ом}$, $x_3=100 \text{ (Ом)}$ тенг. Шу занжир учун тармоқ токлари ва кучланишлари ҳисоблансин.



Ечиш:

Параллел уланган тармоқ ўтказувчанлиги:

$$g_{ab} = \frac{1}{R_2} = 1,33 \cdot 10^{-2} \left(\frac{1}{\text{Ом}} \right); \quad b_{ab} = \frac{1}{x_2} = -0,01 \left(\frac{1}{\text{Ом}} \right)$$

Умумий ўтказувчанлик: $y_{ab} = \sqrt{g_{ab}^2 + b_{ab}^2} = 1,67 \cdot 10^{-2} \left(\frac{1}{\text{Ом}} \right)$

Икки қутбли ток занжирлари эквивалент ўхшашлик тенгламасидан:

$$R_{ab} = \frac{g_{ab}}{y_{ab}^2} = 48 \text{ (Ом)}; \quad x_{ab} = \frac{b_{ab}}{y_{ab}^2} = -\frac{0,01}{2,78 \cdot 10^{-4}} = 36 \text{ (Ом)}$$

Занжирнинг умумий актив ва реактив қаршиликлари:

$$R = R_1 + R_{ab} = 50 \text{ (Ом)}; \quad x = x_1 + x_{ab} = 36 - 36 = 0$$

Тўла қаршилик:

$$Z = \sqrt{R^2 + x^2} = 50 \text{ (Ом)}$$

Биринчи тармоқ токи:

$$I_1 = \sqrt{\frac{P}{R}} = \sqrt{\frac{31250}{50}} = 25 \text{ (A)}$$

Умумий кучланиш эса $U = I_1 Z = 1250 \text{ (В)}$ бўлиб фаза бурчаги $\varphi = 0$.

Биринчи тармоқ кучланишлари: $U_{1a} = R_1 I_1 = 25 \cdot 2 = 50 \text{ (В)},$

$$U_{1p} = x_1 I_1 = 25 \cdot 36 = 900 \text{ (В)}$$


$$U_1 = \sqrt{U_{a1}^2 + U_{p1}^2} = 900(B)$$

Параллел уланган тармоқдаги кучланиш: $U_{ab} = \frac{I_1}{y_{ab}} = \frac{25}{1,67 \cdot 10^{-2}} = 1500(B)$

Тармоқ тоқлари: $I_2 = \frac{U_{ab}}{R_2} = 20(A),$

$$I_3 = \frac{U_{ab}}{x_3} = 15(A)$$

Масала 2–17. Қаршиликлар аралаш схемада уланган электр занжирида сарф бўладиган актив қувват $P=1,2$ (κBm) бўлиб параметр қийматлари: $R=2$ (OM), $x=26$ (OM), $R_2=10$ (OM), $x_2=10$ (OM), $x_3=-10$ (OM) тенг. Занжирдаги умумий кучланиш U тармоқ тоқлари I_1, I_2, I_3 , реактив қуввати Q аниқланиб вектор диаграммаси тузилсин.



Занжирнинг актив ва реактив қаршиликларини, қаршиликлар эквивалент параметр ўхшашлик тенгласига асосан аниқлаймиз:

$$g_2 = \frac{R_2}{R_2^2 + x_2^2} = \frac{10}{200} = 0,05 \left(\frac{1}{OM} \right); \quad b_2 = \frac{x_2}{R_2^2 + x_2^2} = \frac{10}{200} = 0,05 \left(\frac{1}{OM} \right)$$

Учинчи тармоқ ўтказувчанлиги: $g_3 = 0, b_3 = \frac{1}{x_3} = -0,1 \left(\frac{1}{OM} \right)$

Тармоқлар параллел уланган қисми учун: $g_{23} = g_2 + g_3 = 0,05 \left(\frac{1}{OM} \right)$

Умумий ўтказувчанлик: $y_{23} = \sqrt{g_{23}^2 + b_{23}^2} = 0,005 \left(\frac{1}{OM} \right)$

Ўхшашлик эквивалент параметрлар тенгласига асосан актив қаршилик:

$$R_{23} = \frac{g_{23}}{y_{23}^2} = \frac{0,05}{0,005} = 10(OM)$$

Реактив қаршилик: $x_{23} = \frac{b_{23}}{y_{23}^2} = -\frac{0,05}{0,005} = -10(OM)$

Тўла қаршилик: $z_{23} = \sqrt{R_{23}^2 + x_{23}^2} = 14,1(OM)$

Занжирнинг умумий актив қаршилиги: $R = R_1 + R_{23} = 12(OM)$

Умумий реактив қаршилиги: $x = x_1 + x_{23} = 16(OM)$

Актив қувват тенгласига асосан: $P = I^2 R$

Бунда $I = \sqrt{\frac{P}{R}} = \sqrt{\frac{1200}{12}} = 10(A)$

Бурчак фазаси: $\varphi = \arctg \frac{x}{R} = \frac{16}{12} = 1,33 = 53^\circ 10'$

Умумий кучланиш: $U = \frac{P}{I \cos \varphi} = \frac{1200}{10 \cdot 0,6} = 200B$

Тўла қувват: $S = UI = 200 \cdot 10 = 2000BA = 2KBA$

Тўла қаршилик: $z = \frac{S}{I^2} = \frac{2000}{100} = 20 \text{ Ом};$

Бурчак: $\sin \varphi = \frac{x}{z} = \frac{16}{20} = 0,8$


Реактив қувват: $Q = S \sin \varphi = 2 \cdot 0,8 = 1600BAP = 1,6KBAP$

Тармоқ кучланишлари: $U_1 = z_1 I_1 = 26,2 \cdot 10 = 262B, \quad U_{23} = z_{23} I_1 = 14,1 \cdot 10 = 141B$

Тармоқ токлари: $I_2 = \frac{U_{23}}{z_{23}} = \frac{141}{14,1} = 10A, \quad I_3 = \frac{U_{23}}{z_3} = \frac{141}{10} = 14,1A$

Вектор диаграмма тузиш учун ток ва кучланиш масштаблари танланади:

$$\left(m_I = 5A / \text{см}, m_U = 25B / \text{см}, m_y = 0,02 \frac{1}{\text{Ом} \cdot \text{см}}, m_z = 5 \frac{\text{Ом}}{\text{см}} \right)$$



2-3. Мустақил ечиш учун масалалар:

Масала 5-1. Қутблар сони $P=3$ берк ҳалқа магнит майдонида $n=1000$ айл/мин тезлик билан айланганда, ҳосил бўладиган э.ю.к частотаси аниқлансин.

Жавоб: $f=50$ Гц.

Масала 5-2. Ўзгарувчан ток генераторининг якори айланиш тезлиги $n=500$ айл/мин бўлиб, $f=50$ Гц частотали, э.ю.к ҳосил қилганда қутблар сони неча бўлади?

Жавоб: $P=6$


Масала 5-3. Ўзгарувчан э.ю.к амплитуда қиймати $E_m=120$ В частотаси, $f=100$ Гц бўлганда, $t=0,0075$ сек вақтда э.ю.к оний қиймати аниқлансин.

Жавоб: $e=120\sin 270^\circ$; $e=E_m=-120$ В

Масала 5-4. Магнит майдонида ўрамлар сони $W=40$ тенг бўлган ғалтак айланганда ҳосил бўладиган магнит оқими $\Phi=0,02\sin 314t$ бўлиб, ғатакда индукцияланадиган э.ю.к оний қиймати аниқлансин.

Жавоб: $e=250\sin(314t-90^\circ)$

Масала 5-5. Расмда келтирилган синусаидал функциялар учун аналитик ифодаси ёзилиб, ток ва кучланиш орасида бурчак φ аниқлансин.




Масала 5-6. Кучланиш ва ток оний қийматлари $U=170\sin(\omega t+45^\circ)$ $i=10\sin(\omega t-45^\circ)$ бўлганда булар орасидаги бурчак φ топилиб, $t=0$ бўлганда оний қийматлари аниқлансин.

Жавоб: $U_m=120$ В, $I_m=7$ А, $\varphi=90^\circ$

Масала 5-7. Актив қаршиликка эга бўлган синусаидал ўзгарувчан ток занжирига $U=141\sin \omega t$ кучланиш уланганда, $i=7,05\sin \omega t$ ток оқиб ўтади. Электр ток қувват $P_{\text{ўр}}$ – ўртача қиймати ва R - қаршилиги аниқлансин.

Жавоб: $P_{\text{ўр}}=750$ Вт $R=70$ (ОМ)

Масала 5-8. Синусаидал ўзгарувчан ток занжири актив қаршилиқ параметрлари: $R_1=24 \text{ Ом}$, $R_2=10 \text{ Ом}$, $R_3=15 \text{ Ом}$ бўлиб, R_2 қаршилиқда сарф бўладиган қувват $P_2 = 58 \text{ Вт}$. Тармоқ тоқлари I_1 , I_2 , I_3 лар ва умумий кучланиш U аниқлансин.




Жавоб: $I_1=4 \text{ А}$, $I_2=2,4 \text{ А}$, $I_3=1,6 \text{ А}$, $U=120 \text{ В}$

Масала 5-9. Ўзгарувчан ток частотаси $f=160 \text{ Гц}$, $U=220 \text{ В}$ кучланишга уланган бўлиб ғалтакдан $I=4 \text{ А}$ оқиб ўтади. Ғалтак индуктивлиги аниқласин.


Жавоб: $L=30 \text{ мГн}$

Масала 5-10. Параметрлари $R=6 \text{ Ом}$, $L=25 \text{ мГн}$ бўлган ғалтак, частотаси $f=50 \text{ Гц}$ бўлган $U=120 \text{ В}$ синусаидал ўзгарувчан кучланишга уланган. Қувват коэффициентини ва актив, реактив қувват аниқлансин.




Жавоб: $\cos\varphi=0,6$, $P=864 \text{ Вт}$, $Q_L=1152 \text{ ВАР}$

Масала 5-11. Синусаидал ўзгарувчан ток занжири параметрлари: $R_1=4 \text{ Ом}$, $R_2=10 \text{ Ом}$, $R_3=15 \text{ Ом}$ ва индуктивлиги $L=95 \text{ мГн}$ бўлиб, R_2 қаршилиқдан частотаси $f=50 \text{ Гц}$ бўлган $I=2 \text{ А}$ ток оқиб ўтади. Умумий кучланиш U қиймати, бурчак коэффициентини $\cos\varphi$ ва актив қувват P аниқлансин.




Жавоб: $U=100 \text{ В}$, $\varphi=36^\circ 50'$, $P=160 \text{ Вт}$

Масала 5-12. Электр ўлчов асбоблари кўрсатиши: $U=200 \text{ В}$, $I=2 \text{ А}$, $P=240 \text{ Вт}$ бўлиб, частотаси $f=50 \text{ Гц}$ тенг. Актив ва сиғим қаршилиқ параметрлари аниқлансин.




Жавоб: $R=60 \text{ Ом}$, $C=40 \text{ мкФ}$

Масала 5-13. Синусидал ўзгарувчан ток занжири қаршиликлари: $R_1=R_2=100$ Ом, $R_K=30$ Ом, $X_C=100$ Ом, $X_L=40$ Ом бўлиб, ғалтакдаги кучланиш $U_K=100$ В частотаси $f = 50$ Гц тенг. Занжирдан оқиб ўтувчи токнинг ҳақиқий қиймати I , умумий кучланиш U , сиғим ва индуктивлик параметрлари L , C , актив қуввати P ҳамда электр $W_{\text{э}}$ ва магнит W_M майдон энергиялари аниқлансин.




Жавоб: $U=200$ В, $I=2$ А, $L=0,127$ мГн $C=32$ мкФ,
 $P=320$ Вт, $W_{\text{э}}=1,24$ Дж, $W_M=0,5$ Дж

Масала 5-14. Қаршилик параметрлари: $R_1=12$ Ом, $R_2=10$ Ом, $X_C=24$ Ом, $X_L=20$ Ом бўлган электр ток занжири $f=50$ Гц бўлган $U=220$ В синусидал кучланишга уланган. Тармоқ токлари I_1 , I_2 , I_3 ҳақиқий қийматлари аниқлансин.



Жавоб: $I_1=6$ А, $I_2=4,4$ А, $I_3=5,25$ А

Масала 5-15. Параметрлари $R_1=160$ Ом, $L=0,04$ мГн бўлган индуктив ғалтак, актив қаршилиги $R_2=30$ Ом сиғими $C=50$ мкФ бўлиб параллел схемада уланган. Ўзгарувчан ток кучланиши $U=110$ В частотаси $f=318$ Гц бўлганда умумий ўтказувчанлик, тармоқ токлари аниқлансин.



Жавоб: $y_1 = 0,036 \frac{1}{\text{Ом}}$, $y_2 = 0,0316 \frac{1}{\text{Ом}}$, $y = 0,036 \frac{1}{\text{Ом}}$
 $I=3,96$ А, $I_2=1,1$ А, $I_3=3,5$ А

2-4. Синов саволлари:

1. Синусоидал ўзгарувчан ток хусусияти нимадан иборат?
2. Синусоидал ўзгарувчан ток қандай ҳосил қилинади, манбаи нима?
3. Синусоидал ўзгарувчан ток билан, ўзгармас ток фарқи нимада?
4. Синхрон генераторнинг тузилиши ва ишлаш принципини биласизми?
5. Ўтказгич магнит майдонда ҳаракатланганда унда ҳосил бўладиган Э Ю К нимага тенг ?
6. Электр машина ва аппаратларида магнит ўзак (ферромагнетик) қандай мақсад учун хизмат қилади?
7. Магнит доимийси деганда нимани тушунаси?
8. Индуктивлик нима ва у қандай бирликда ўлчанади?
9. Синусоидал ўзгарувчан ток қандай қийматларда ифодаланади?
10. Синусоидал ўзгарувчан ток частотаси, даври ва оний қиймат ифодаларини ёзинг.
11. Синусоидал ўзгарувчан ток вектор ифодасини таърифлаб беринг. Электр занжирлар учун вектор диаграмма қандай тузилади?
12. Синусоидал ўзгарувчан ток ва кучланиш бошланғич фазаси ва фаза фарқи қандай аниқланади?
13. Актив индуктив ва сиғим қаршилик параметрлари учун Ом қонуни ифодасини ёзинг.
14. Кетма-кет ва параллел схемаларда уланган R , L , C занжири учун Ом қонуни тенгламасини ёзинг.
15. 2-кутбли занжир учун эквивалент ўхшашлик тенгламаларини ёзинг.
16. Кетма-кет уланган актив ва индуктив қаршилиги бўлган ток занжири учун вектор ифодасини тузиб, тўла қаршилик ифодасини ёзинг.
17. Актив ва сиғим қаршилиги бўлган ток занжири учун вектор ифода тузиб тўла қаршилик тенгламаси ёзилсин.
18. Кетма-кет бириктирилган R , L , C занжирида $X_L > X_C$, $X_L < X_C$, $X_L = X_C$ бўлган ҳолат учун вектор ифодасини тузиб, қайси характерга эга эканлигини тушунтиринг.
19. Актив, реактив ва тўла қувват тенгламаларини ёзинг.
20. Актив ва реактив элементларда электр ток энергияси қаерда ва қандай сарфланади?
21. Қувват коэффициенти $\cos\varphi$ нима ва қандай амалий аҳамиятга эга?
22. Ўзгармас токга нисбатан индуктив ва сиғим қаршиликлар нимага тенг?
23. Нима учун сиғимдан ўзгарувчан ток оқиб ўтади, ўзгармас ток эса оқиб ўтмайди?
24. Кетма-кет схемада уланган R , L занжир қаршиликларидаги кучланиш: $U_R = 60\text{В}$, $U_L = 80\text{В}$ га тенг бўлганда умумий U кучланиш нимага тенг?
25. Параллел схемада уланган R , C занжирларда оқиб утувчи тоқлар $I_R = 3\text{А}$, $I_C = 4\text{А}$ бўлганда умумий ток I қанчага тенг?
26. Агар R , L , C занжирлари кетма-кет уланган занжирнинг тўла қаршилиги $Z = 100\text{Ом}$, $R = 80\text{Ом}$, $X_C = 40\text{Ом}$ бўлса галтакнинг индуктив қаршилиги X_L қанча Ом га тенг?

27. Агар $C = 20 \text{ мкф}$ бўлган сиғим параметри $U = 220(\sin 314t - 60) \text{ В}$ кучланишга уланганда токнинг оний қиймати i ни аниқланг.
28. Кучланиш $U = 100 \text{ В}$ ток кучи $I = 5 \text{ А}$ ва фаза бурчаги $\varphi = 60^\circ$ бўлган занжирнинг актив қуввати неча ватт бўлади?
29. Кучланиш қаршиликлар ва қувватлар учбурчак вектор ифодасига асосан $\cos\varphi$, $\sin\varphi$, $\tan\varphi$ лар тенгламасини ёзинг
30. Қаршиликлар ва қувватлар учбурчак вектор ифодасидан, актив ва реактив ташкил этувчи векторлар қандай маънони билдиради?

3-Боб. Синусоидал ўзгарувчан ток занжирларини комплекс (символик) усулда ҳисоблаш.

3-1. Асосий назарий тушунчалар.

1) Комплекс сон.

Комплекс сон Эйлер формуласига асосан $e^{\pm i\varphi} = \cos\varphi + j\sin\varphi$ ифодаланади, комплекс тексилекда эса нуқта ёки вектор кўринишда тасвир қилиш мумкин бўлиб, комплекс сон уч хил кўринишда ифода қилинади.

$$\dot{A} = a_1 + ja_2 - \text{алгебрик}$$

$$\dot{A} = a(\cos\alpha + j\sin\alpha) - \text{тригонометрик}$$


$$\dot{A} = ae^{j\alpha} - \text{кўрсаткичли}$$

Бунда $a_1 = a\cos\alpha = \operatorname{Re} \dot{A}$ - ҳақиқий қисми.

$$a_2 = a\sin\alpha = \operatorname{Im} \dot{A} - \text{мавхум қисм.}$$

$$a - \text{комплекс сон модули: } |a| = \sqrt{a_1^2 + a_2^2}$$

$$\alpha - \text{комплекс сон аргументи: } \alpha = \arctg \frac{a_2}{a_1}$$



$$\text{Шунингдек } e^{\pm \pi/2} = \pm j; \quad \frac{1}{j} = -j; \quad j^2 = -1 \quad j^3 = -j \quad \text{ва} \quad j^4 = 1$$

Комплекс сонларни қўшиш ёки айириш амалини бажаришда алгебрик кўринишда, кўпайтириш ва бўлиш амалини бажаришда эса кўрсаткичли ифодасидан фойдаланилади.

Синусоидал ўзгарувчан ток, кучланишлар ва э.ю.к функциясини комплекс кўринишдаги ифодаси:

$$i = I_m \sin(\omega t + \varphi_i) \doteq \dot{I}_m e^{j\omega t} \cdot I_m e^{j\varphi_i} = \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

$$u = U_m \sin(\omega t + \varphi_u) \doteq \dot{U}_m e^{j\omega t} \cdot U_m e^{j\varphi_u} = \dot{U}_m e^{j\omega t}$$

$$e = E_m \sin(\omega t + \varphi_e) \doteq \dot{E}_m e^{j\omega t} \cdot E_m e^{j\varphi_e} = \dot{E}_m e^{j\omega t}$$

Бунда:

$\dot{I}_m, \dot{U}_m, \dot{E}_m$ - синусоидал ўзгарувчан ток, кучланиш, ва Э.Ю.К комплекс амплитудаси.

Электр занжирларини комплекс усулда ҳисоблаш жараёнида $\dot{I}, \dot{U}, \dot{E}$ лар фақатгина вақт функцияси тарзида эмас, балки унинг хосиласи ёки интеграл тарзида ҳам учирашиши мумкин.

$$\frac{di}{dt} = \omega I_m \sin\left(\omega t + \psi_i + \frac{\pi}{2}\right) \doteq \omega \dot{I}_m e^{j(\omega t + \varphi_i + \frac{\pi}{2})} = j\omega \dot{I}_m e^{j\varphi_i} \cdot e^{j\omega t} = j\omega \dot{I}_m e^{j\omega t}$$

$$\int i dt = \frac{I_m}{\omega} \sin \left(\omega t + \varphi_i - \frac{\pi}{2} \right) = \frac{\dot{I}}{\omega} e^{j(\omega t + \varphi_i - \frac{\pi}{2})} = \frac{I_m}{j\omega} e^{j\varphi_i} \cdot e^{j\omega t} = \frac{\dot{I}_m}{j\omega} e^{j\omega t}$$

Демак, комплекс шаклда берилган хар қандай синусоидал функция тасвири $\dot{I} m e^{j\omega t}$ бўлса, у функциядан ҳосила олиш " $j\omega$ " қўпайтириш ёки интеграллаш эса " $j\omega$ " га бўлиш билан баробар экан.

2). Синусоидал ўзгарувчан ток занжирларини комплекс усулда ҳисоблаш.

Ом қонунинг комплекс ифодаси:

$$\dot{I} = \frac{\dot{U}}{\underline{Z}} = \underline{y} \dot{U} \quad A$$

Тўла қаршилик: $\underline{Z} = R + jx = \underline{Z} e^{j\varphi} \quad Ом$

Тўла ўтказувчанлик: $\underline{y} = \frac{1}{\underline{Z}} = g - j\beta = \underline{y} e^{-j\varphi} \quad \frac{1}{Ом}$

Тўла қувватлар комплекс ифодаси:

$$\tilde{S} = \dot{U} \dot{I}^* = \dot{U} e^{j\varphi_u} \cdot \dot{I} e^{-j\varphi_i} = \dot{U} \dot{I} e^{j\varphi} = \dot{U} \dot{I} \cos \varphi + j \dot{U} \dot{I} \sin \varphi = P + jQ \quad BA$$

*

$\dot{I}$ – комплекс токнинг тескари ишораси билан олинган киймати.

